

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ ХОДИМЛАРИГА ИШ ҲАҚИНИ  
ПЛАСТИК КАРТЛАР ОРҚАЛИ БЕРИШ ТҮҒРИСИДА**

**ШАРТНОМА №**

200\_\_ йил «\_\_\_\_\_» №\_\_\_\_\_ шахри \_\_\_\_\_

«Микрокредитбанк» АТБ номидан \_\_\_\_\_ асосида иш олиб борувчи «Микрокредитбанк» АТБ \_\_\_\_\_ филиали Бошқарувчиси \_\_\_\_\_ бир томондан **БАНК** сифатида ва \_\_\_\_\_ номидан Уставга асосан иш олиб борувчи унинг бош директори \_\_\_\_\_ иккинчи томондан **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ** сифатида, **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ** ходимлари иш ҳақларини ва унга тенглаштирилган тўловларни «Микрокредитбанк» АТБ томонидан чиқарилган сўм пластик карталари орқали олиш ҳақида ушбу шартномани туздилар:

**Шартноманинг предмети**

Ушбу шартнома **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ** ходимларига очиладиган маҳсус сўм карта ҳисоб варажлари, **БАНК**нинг банкоматлари орқали иш ҳақи олиш учун сўм пластик карталарини бериш, очилган маҳсус сўм пластик карта ҳисоб варажларига хизмат кўрсатиш тартиби ҳамда шартларидан келиб чиқадиган **БАНК** ва **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ** ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

**1. Асосий тушунчалар**

- 1.1. «Пластик карта» деганда **БАНК** томонидан чиқарилган ва вақти-вақти билан алмаштирилиши, иш ҳақи олиш, товар, иш ҳамда хизматлар билан ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлган амалдаги сўмдаги пластик карта тушунилади.
- 1.2. «Карта эгаси» деганда иш ҳақи олиш, товар, иш ва хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш воситаси ҳисобланган пластик картни кўрсатувчи **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ** ходими-жисмоний шахс ҳисобланади.
- 1.3. «Банкомат» деганда пластик карта орқали нақд пул маблағлари берувчи электромеханик қурилмани тушунилади.
- 1.4. «Транзакция» деганда Пластик картадан фойдаланиш орқали амалга оширилган ҳар қандай тўлов тушунилади.
- 1.5. «Стоп-лист» деганда йўқотилган, амалда бўлмаган ёки ўғирланган Пластик карталар рўйхати тушунилади.

**2. Банкнинг мажбуриятлари**

- 2.1. БАНК қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
  - 2.1.1. Мазкур шартнома тузилганидан сўнг, **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ** ходимларининг пластик карт ҳисоб варажларига хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов топшириклигига асосан иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларни банк тарифларига асосан ўtkазиш.
  - 2.1.2. Мазкур шартномага асосан корхона ходимларига вақтинча фойдаланиш учун «Микрокредитбанк» АТБнинг сўм пластик картасини бериш.
  - 2.1.3. Сўм пластик картасига эга булган хўжалик юритувчи субъект ходимларига пластик картаси орқали нақд пул бериш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағлар) ёки хўжалик юритувчи субъект ходимининг аризасига асосан унинг пластик карта ҳисоб варажидан бошқа банк ҳисоб варажига пул ўtkazish.
  - 2.1.4. Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ, АТ “ «Микрокредитбанк» АТБ” тизимида хўжалик юритувчи субъектлар ходимларига иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган пул маблағларини пластик карт ҳисоб варажларига ўtkazish ва

пластик картлар орқали операцияларни амалга ошириш тўғрисида тартиби, «Микрокредитбанк» АТБ Бошқарувининг 2003 йил 6 августда 28/3 сонли мажлис қарори билан қабул қилинган «АТБ «Микрокредитбанк» тизимида жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб варакалари бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга, ушбу шартномага асосан, белгиланган тартибда рўйхат ва қайдномалар тақдим этилган тақдирда ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш хизматини кўрсатиш.

- 2.1.5. БАНК томонидан ўрнатилган тартибда ариза тақдим этилгандан сўнг хўжалик юритувчи субъект ходимларининг йўқолган ёки ўғирланган сўм пластик карталари ҳақидаги маълумотларни Стоп-лист рўйхатига киритиш.
- 2.1.6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 786-моддаси ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддаси талабларига мувофиқ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ ходимларининг маҳсус сўм пластик ҳисоб вараклари бўйича операцияларни сир сақлаш.
- 2.1.7. Хўжалик юритувчи субъект ходимларининг пластик карт ҳисоб рақамлари қолдигига «АТБ «Микрокредитбанк» тизимида пластик картлар орқали бухгалтерия ҳисоб китобларини амалга ошириш тартибининг» 1-иловасида белгиланган миқдорда ҳақ тўланади.

### **3. Хўжалик юритувчи субъект мажбуриятлари**

- 3.1. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
  - 3.1.1. БАНК томонидан ўрнатилган тартибда ўз ходимларининг БАНКдаги маҳсус сўм ҳисоб варакларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган муддатларда ўтказиб туриш.
  - 3.1.2. Банк томонидан ўрнатилган банкоматдан ёки терминалдан белгиланган тартибда фойдаланиш.
  - 3.1.3. БАНК томонидан ўрнатилган кун тартибига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов хужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тўғрисидаги меъёрий хужжатлар ҳамда қўлланмалари талабига амал қилиш.
  - 3.1.4. Шартнома имзоланган кундан сўнг уч кун ичida хўжалик юритувчи субъектнинг вакили томонидан ўз ходимларига пластик карт ҳисоб вараги очиш учун белгиланган шаклда маълумотларни Банк Бошқарувчисига тақдим этиш.

### **4. Ҳисоб-китоб тартиби**

- 4.1.1. БАНК томонидан кўрсатилган хизматлар учун, Хўжалик юритувчи субъект ўз ходимлари томонидан ўтказилган операцияларга ҳар ойнинг 5 санасидан кеч бўлмаган ҳолда АТБ «Микрокредитбанк»га умумий олинган суммадан нақд пул олишга \_\_\_\_ %, нақд пулсиз операцияларга \_\_\_\_ % ҳақ тўлайди.
- 4.1.2. Хўжалик юритувчи субъект вакили Акт асосида пластик картларни банқдан олади.
- 4.1.3. Хўжалик юритувчи субъект ўз ходимлари томонидан йўқотилган ҳар бир пластик карта учун \_\_\_\_ АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти ҳисобида жарима тўлайди.

### **5. Банкнинг ҳуқуқлари**

- 5.1. БАНК қўйидаги ҳуқуқларга эга:
  - 5.1.1. Амалга оширилаётган ўтказмаларнинг тўғрилиги ва амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқлигини текшириш.
  - 5.1.2. Кўрсатилган банк хизматлари учун Хўжалик юритувчи субъектдан ўз вақтида ҳақ олиш.
  - 5.1.3. Банк томонидан ўрнатилган банкомат ёки терминалга корхона ҳудудида бирор шикаст етказилганда шикаст ҳақини хўжалик юритувчи субъект ҳисоб варагидан ундириб олиш.
  - 5.1.4. Пластик карт ҳисоб рақами қолдигига тўланадиган фоиз ставкасини бир томонлама белгилаши ва улар бўйича ўзгартириш киритиши.

- 5.1.5. Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллардан хўжалик юритувчи субъект ходимлари фойдаланганда кўрсатилган хизмат учун \_\_\_\_% олиш.

## **6. Корхонанинг ҳуқуқлари**

- 6.1. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ қўйидаги ҳуқуқларга эга:
- 6.1.1. Ўтказиладиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида ходимларнинг маҳсус сўм карта ҳисоб варақларига туширилишини талаб қилиш.
- 6.1.2. Маҳсус сўм карта ҳисоб варағида амалга оширилаётган ўтказмаларнинг тўғрилигини текшириш.
- 6.1.3. Хўжалик юритувчи субъект ўзининг ходимлари пластик карт ҳисоб варақлари бўйича маълумотни банкга маҳсус хат тақдим этиб ўзининг маҳсус вакили орқали олади.

## **7. Томонларнинг жавобгарлиги**

- 7.1. Хўжалик юритувчи субъект томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўтказилмаган ёки ўтказилиши кечикирилган тақдирда Банк Хўжалик юритувчи субъект ходимлари олдида жавобгар ҳисобланмайди.
- 7.2. Томонлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

## **8. Шартноманинг тугатилиши**

- 8.1. Ушбу шартнома қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- 8.1.1. Томонлардан бири шартномани бекор қилишдан 1 ой мuddат олдин ёзма равища иккинчи томонга огоҳлантириш хати тақдим этган тақдирда.
- 8.1.2. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда.
- 8.1.3. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши томонларни ушбу шартномага мувофиқ олдин қабул қилинган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## **9. Ўз ҳуқуқларидан воз кечиши**

- 9.1. Хўжалик юритувчи субъектнинг ушбу шартнома шартларини ҳар қандай бузилиши сабабли банк томонидан қонуний талаб қилиш ҳуқуқидан ҳар қандай ихтиёрий воз кечиши бу борада кейинги ва бошқа давом этадиган конун бузилишлар бўйича ҳуқуқни талаб қилишдан воз кечиш ҳисобланмайди.

## **10. Билдиришлар**

- 10.1. Юридик (почта) адреслари, банк реквизитлари, ушбу шартнома бўйича бошқа ўзгаришлар тўғрисида билдиришлар ёзма равища Хўжалик юритувчи субъект ёки банкнинг охирги аниқ ёхуд юридик манзилига куръер ёки почта орқали юборилиши керак.
- 10.2. Тарафлар томонидан олинган кунидан бошлаб 5 кун ичida рад жавоби берилмаган ҳар қандай ёзма билдиришлар қабул қилинган ҳисобланади.

## **11. Форс-мажор**

- 11.1. Шартнома тарафлари томонидан ушбу шартнома имзолангандан сўнг юзага келган енгилмас куч, олдиндан ҳар қандай олди олинмаган табиий ҳодисалар оқибатида ўз мажбуриятларини қисман ёки тўла бажара олмаган тарафлар жавобгар эмасдирлар.

Ушбу табиий ҳолатларга қўйидагилар киради: сув тошқини, ер қимирлаши, ўт кетиши ва бошқа табиий оғатлар, шу жумладан ҳарбий ҳаракатлар, шартнома тарафлари фойдаларига қатъий таъсир кўрсатувчи давлат тўнтиришлари ҳамда ҳукумат ҳаракатлари ва тарафларнинг куч ҳамда иродаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар.

## **12. Шартноманинг амал қилиш муддати**

- 12.1. Ушбу шартнома бир йил муддатга тузилди ва томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳақида шартнома тугашидан камида 1 ой олдин ёзма равишда иккинчи томонни огоҳлантирмаса кейинги муддатга давом эттирилади.
- 12.2. Ушбу шартнома тугатилган тақдирда томонлар 1 ой муддат ичida ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишлари шарт.
- 12.3. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб юридик кучга киради.

## **13. Келишмовчиликларнинг ҳал қилиниши**

- 13.1. Юзага келган келишмовчиликлар келишув йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда, томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар Узбекистон Республикаси Хўжалик судларида кўриб чиқиласди.

Ушбу шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

## **14. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари**

**«БАНК»**

---

---

---

**БАНК номидан**

---

---

М.Ў.

**«ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ»**

---

---

---

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ  
СУБЪЕКТ номидан**

---

---

М.Ў.